

ИНТЕГРАТИВ ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Турдиев Намозбек Бахритдин ўғли

*Жиззах давлат педагогика университети
педагогика-психология ва musiқа йўналишларида масофавий
таълим кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг таҳлилий, мантиқий ва дарсларни интегратив моделлаштириши компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириши, уларнинг билим, кўникма, малака ҳамда шахсий сифат ва фазилатларни ривожлантириши алоҳида аҳамиятга эга.

Мақолада бўлажак ўқитувчиларни касбий амалиётга тайёрлашнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини ўрганиши, битирувчиларнинг зарурий компетенцияларини шакллантириши масалалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Компетенция, тафаккур, технология, талаб, ёндашув, билим, тажриба, таълим, тарбия, жараён, дарслик, машғулот.

Аннотация. Сегодня особое значение приобретает выяснение педагогико-психологических особенностей формирования аналитических, логических и интегративно-моделирующих компетенций будущих учителей, развития их знаний, умений, компетенций и личностных качеств.

В статье речь идет об изучении организационно-педагогических аспектов подготовки будущих учителей к профессиональной практике, формировании необходимых компетенций выпускников.

Ключевые слова. Компетенция, мышление, технология, спрос, подход, знания, опыт, образование, обучение, процесс, обучение, обучение.

Abstract. Today, it is of particular importance to clarify the pedagogical-psychological features of the formation of analytical, logical and integrative

modeling competencies of future teachers, to develop their knowledge, skills, competences and personal qualities.

The article deals with the study of organizational-pedagogical aspects of training future teachers for professional practice, formation of necessary competencies of graduates.

Keywords. Competence, mindset, technology, demand, approach, knowledge, experience, education, training, process, tutorial, training.

Жаҳонда етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-инновацион ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиш, ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсга йўналтирилган ўқитиш тизимларини яратиш ва уларни амалга оширишнинг инновацион механизмларини татбиқ этишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик компетенцияларини ривожлантиришнинг самарали механизмларини ривожлантириш, интегратив дастурий таъминотини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, замонавий мактаб шароитида дарсларни инновацион ёндашувлар асосида ташкил этишга устворлик бериш алоҳида долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим тизими педагог кадрларини сифат жиҳатдан жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш бўйича тадқиқотлар Ш.Абдуллаева, Ф.Р.Қодирова ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Мамлакатимизнинг таълим тизимдаги тараққиёти, иқтисодий юксалишининг уствор йўналишлари, фундаментал босқичларидан бири сифатида бошланғич таълимдаги фан, таълим ва инновациялар интеграциясини олиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹ги Фармонининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон

“Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиши, таълим-тарбия жараёнларини янги сифат босқичига олиб чиқиш, шунингдек, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг етти та устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “Инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” устувор вазифа этиб белгиланган². Бу эса, бўлажак ўқувчиларнинг компетенциясини интегратив дарсларни моделлаштириш асосида шакллантириш, мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион педагогик технологияларини оптималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилишини тақоза этади. Бу борада бўлажак ўқитувчиларнинг таҳлилий, мантикий ва дарсларни интегратив моделлаштириш компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда шахсий сифат ва фазилатларни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис бўлажак ўқитувчиларни касбий амалиётга тайёрлашнинг ташкилий-педагогик аспектларини ўрганиш, битирувчиларнинг зарурий компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади.

Ривожланган мамлакатларда инсон капитали сифатини оширишда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар интеграцияси алоҳида аҳамият касб этиб, ЮНЕСКО таълим сиёсатини юритиш сектори (Едусатион Сестор)нинг 2030 йилгача белгилаган халқаро таълим концепциясида «ҳаёт давомида сифатли таълим олиш имкониятини яратиш (Лифе леарнине)»га алоҳида эътибор қаратилган³. Унда умумий ўрта таълимни сифат жиҳатдан

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2022. –Б.39. www.lex.uz

³ Академис ресеарч ин едусатионал ссиенсес волуме 2 | иссеу 4 | 2021 иссн: 2181-1385 Ссиентифис Жоурнал Импаст Фастор (СЖИФ) 2021: 5.723 DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668 Академис Ресеарч, Ўзбекистан 817 www.apes.uz

янги даражага кўтариш мақсадида рақобатбардош ва профессионал кадрларни тайёрлаш долзарб вазифа этиб белгиланган.

Мазкур заруратдан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларнинг билимли ва ақл заковатли, етук кадрлар сифатида тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг демократик моҳиятида яққол намоён бўлиб, етук авлод тарбиясида таълим ва тарбия тушунчалари бир бири билан доимо уйғун тарзда ишлатилади. Таълим тушунчаси - шахснинг маърифий ва тарбиявий даражасини ошириш орқали унинг ақлан ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим субъектлари орасидаги дидактик фаолият бўлса, тарбия тушунчаси эса - янги авлоднинг ижтимоий тарихий тажрибасини бериш туфайли ривожланишини таъминловчи ижтимоий функция, ижтимоий таъсир остида инсон шахсий ва маънавий дунёсини шакллантириш, бойитиш ва такомиллаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, системалаштирилган онгли жараён сифатида қаралади. Тарбия–таълим билан ўзаро боғланган ижтимоийлашнинг асосий бўғини ҳисобланиб, таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёни таълим субъекти ва объекти, умуман атроф-муҳитнинг барча типологик хусусиятларига, узлуксиз даражадаги таълим ва тарбияга қўйилган мақсадларни амалга ошириш ҳамда таълимнинг қиймат йўналишлари векторини аниқлаш, ижтимоий, предметли ва психодидактик компонентларнинг диалектик ўзаро таъсирини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Демак, таълим узлуксизлиги таълим субъектлари ҳамда уларнинг самарали интеграцияси билан белгиланади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, оптималлаштирилган таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга йўналтирилган. Шу маънода таълим ва тарбия муассасаларининг замонавий ёндашуви, бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятидаги мобиллиги, ўз касбининг амалий жиҳатларига эрта мослашиш, ахборотлаштирилган жамиятнинг ХХИ асрида ахборот

технологияларнинг роли ва ўрни ҳар бир жабҳанинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Педагогика соҳасидаги олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг янги, инновацион шакл, услуб ва воситалари билан таништириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашувлар сифатида педагогика соҳасида узлуксиз таълим кластерини таъминланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларини ўрганиш эса, мазкур масаланинг амалий жиҳатларини очиш имкоятини оширади.

Республикамызда таълим соҳасида ижтимоий- педагогик, акмеологик ҳамда компетенциявий масалаларга доир бирқатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Н.Муслимов, Ш.Шарипов ва бошқаларнинг тадқиқотларда бевосита муайян йўналишлардаги мутахассисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш масалалари келтириб ўтилган.

Бу тажрибалардан бўлажак ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнларида интернет тармоғидан кенг фойдаланишда, ўқитувчилар, тарбиячилар томонидан яратилаётган ўқув электрон дарсликлар, ноанъанавий дарс ва машғулотлар ишланмалари мазкур веб-сайтларга жойлаштирилиб барча қулай имкониятлар яратилади.

Таълим фаолиятининг таҳлили, педагогик диагностикани қўлланишини талаб этувчи асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

1. Педагогик жараёнда диагностика. Ўқитувчи таълим жараёнини доимий равишда режалаштириши, амалга ошириши ва баҳолаши лозим. Бу вазифа ўзлаштиришнинг диагностик назорати ёрдамида бажарилиши мумкин.

2. Индивидуал ўзига хосликларини диагностика қилиш.

3. Ривожланишда қолақликнинг турли шакллари дианостикаси ва уларнинг тузатилиши.

4. Таълим жараёнининг самарадорлигини дианостик таққослаш.

Юқоридаги муаммолар бўлажак педагоглардан маълум бир ишни бажариш учун зарур бўлган шахсга қаратилган, стандартлаштирилган талабларидан иборат бўлган- касбий компетенцияларга эга бўлишни талаб қилади. Компетентли ёндашув давлат, жамият ва инсоннинг ўз манфаати учун ҳаётнинг муҳим соҳаларида муваффақиятли ишлаш учун билим ва амалий фаолият усуллари комплекс ўзлаштиришга қаратилган. Компетентли ёндашувнинг мақсади замонавий таълим нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, ўқувчининг назарий билимлари ва уни амалий қўллаш ўртасидаги узилишни енгишга интилишдир.

Шунинг учун замонавий таълим жараёни амалиётда қўлланилиши қийин бўлган билимларни талабаларга беришдан иборат эмас, аксинча шу билимларни долзарб касбий муаммоларни ҳал қилишга намойиш этиш, шунингдек ўқув жараёнида бу каби муаммоларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда ҳал қилишлари учун шароит яратишдан иборат бўлиши керак.

Таҳлилларга кўра, педагогик шарт-шароитларни учта катта гуруҳга бўлиш мумкин: ташкилий-педагогик, педагогик-психологик, дидактик.

Ташкилий педагогик шарт-шароитларни таъминлашда асосан фан дастурлари, ўқув режалар, талабларни ишлаб чиқиш, ривожлантириш, ўқув-услубий таъминотни мазмунан ривожлантириш назарда тутилади.

Педагогик-психологик шарт шароитларга турли методикалар ишлаб чиқиш ва таълим тарбия жараёнига тадбиқ этиш, психологик ўйинларни қўллаш, ўқувчиларнинг ҳиссий-эмоционал ва ақлий ҳаракатларини шаклланишига хизмат қилувчи ишланмалар ва технологиялар ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Дидактик шарт-шароитларга умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун тегишли фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар, электрон усулбуй қўлланмалар ҳамда дидактик ўйинларнинг электрон вариантларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Таълим муассасаларида самарадорликни таъминлаш учун таълим жараёнида ижодий муҳит яратилмоғи, узлуксиз методик хизматни ташкил этиш, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашини таъминлашда ижодий ёндошувнинг таълим-тарбия самарадорлигига таъсири, аввало мавжуд муаммоларни аниқлаштириб олиш билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан таълим муассасаларида бўлажак педагоглари касбий компетенциясини шакллантиришда муҳитини яратиш барқарорлигини таъминлашга халақит берувчи омиллар:

1. Таълим муассасаси педогогларининг самарали ишлашлари учун ижтимоий психологик ҳолатлар ва хусусиятлар шаклланишида сусткашлик ҳолатининг юзага келиши, соҳадаги узвийликнинг тўлиқ натижаларга йўналтирилганлиги ўз исботини топишида муаммоларнинг юзага келиши.

2. Педогогик фаолиятини самарали ташкил этишида амалий кўникмаларнинг етишмаслиги;

3. Узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг қуйи бўғинлари, фан кафедралари, методик кенгашларнинг фаоллиги самарали натижа кўрсатмаслиги.

Хулоса ўрнида шу айтиш мумкинки таълим-тарбия муҳити мутахассисларни тайёрлаш учун фақатгина буюртмачи сифатидагина эмас, балки ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига айланади, талабалар билан мулоқот қилиш учун янги имкониятлар яратиш, касбий ҳамжамият ва педагогик муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш, фирмулоҳазаларини билдиришга масъул ҳисобланадилар. Интеграциялашган “мактаб-ОТМ-оила” муҳитида ташкилий, услубий, дастурий таъминот, уларнинг техник воситалари асосида самарали шароитлар яратиш

талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш, талабаларнинг таълим эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олишлари лозим. Интеграциялашган таълимга ривожланаётган ижтимоий ҳамжамият сифатида қаралади, талабанинг профессор-ўқитувчилари билан ўзаро муносабати, мактаб ўқитувчиси ва ўқувчилари билан кенг ижтимоий-маданий ҳамда мафкуравий контекстда инсонни ақлли жамиятда ҳаётга тайёрлаш ва мослаштириш категориялари деб қаралади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2022. –Б.39. www.lex.uz
3. Академис ресеарч ин едусатионал ссиенсес волуме 2 | иссуе 4 | 2021 иссн: 2181-1385 Ссиентифис Жоурнал Импаст Фастор (СЖИФ) 2021: 5.723 DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00668 Академис Ресеарч, Узбекистан 817 www.apres.uz
4. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004. - 128 б.
5. ЮНЕСКО халқаро меъерий ҳужжатлари. / масъул муҳаррир: Л.Саидова. – Т.: Адолат, 2004. –Б. 19-62.
6. Десигнинг еффестиве мониторинг анд евалуатион оф едусатион сйстемс фор 2030: А глобал сйнтнесисс оф полисиес анд прастисес (УНЕСКО Едусатион Сестор Дивисион фор Полисиес анд Лифелонг Леарнинг Сйстемс, Жануарй 2016), п 38,52,77
7. Усмоналиев, И. (2022). Бўлажак ўқитувчилар касбий компетенциясини тарихий тафаккур асосида такомиллаштириш зарурати ва муаммонинг амалиётдаги ҳолати. Общество и инновации, 3(5/S), 132-141.